


Имом Мотуридийнинг «Истиво» ҳақида айтган ажойиб таъвиллари



16:00 / 04.12.2022 1216

«Сўнгра Аршга «истиво қилди» (Сажда сураси, 4-оят) ояти борасида ҳам юқорида кўп таъвилларни айтиб ўтдик. Бироқ бу ерда юқорида айтиб ўлмаган бошқа бир маънони айтамыз. Эҳтимол бу маъно тўғрироқ ва ҳақиқатга яқинроқдир.

Шундай бир сўзлар ва гаплар борки, Аллоҳ таоло ақл ва фаҳм учун уни идрок қилиш ва англашга йўл қолдирмаган. Мисол учун, «Сўнгра Аршга «истиво» қилди» ибораси. Зеро, ушбу ибора бошқа ўринда зикр қилиниб, у ҳақида хабардордан сўрашга амр қилади:

أَرِيْبَخْ هَبْ لَأْسَافُ نَمَحْرَلْ شَرْعَلْ لَإِ عَ يَوْتَسْ أَمْثْ

«Сўнгра У Аршга «истиво қилди». У Раҳмондир. Уни Хабардордан сўра!» (Фурқон сураси, 59-оят).

Агар ушбу сўз (истиво)ни инсоннинг ақли ва тушунчасида билиш ва англаш имкони бўлганда, оламлар Раббисининг элчиси бўлган зот хабардордан, яъни Аллоҳ ёки Жаброилдан сўрамасдан туриб ҳам тушунган ва англаган бўларди.

Аллоҳ таоло у зотни бу ҳақида сўрашга амр қилдими, демак буни ақл ва фаҳм орқали англаб, тушуниб бўлмайди, балки Аллоҳдан бўлган нақл орқали билинади. Расулulloҳдан уни тафсир қилганлари ёки у ҳақида гапирганлари ёки бирон киши у ҳақида сўрагани нақл қилинмаган. Валлоҳу аълам.

Манба: Имом Мотуридий. Таъвилот ал-Қуръон, Сажда сураси тафсири.
Ихтиёг Abdurahmonov саҳифаларидан